

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
“КРЕДИТ-ИҚТИСОД” ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кредит-иқтисод” факултети

декани, и.ф.н., доц.

Саттаров О.Б. _____

“ ____ ” _____ 2012 й.

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

МУХИДДИНОВ ДИЛШОД ЗУХУРОВИЧ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАШҚИ

АУДИТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5340700 – “Банк иши” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Ҳимояга тавсия етилди”

Илмий раҳбар:

“Банк иши”

кафедраси мудири

М.Рахимов _____

_____ доц. С.Норқобилов

“ ____ ” _____ 2012 й.

« ____ » _____ 2012 й.

Мундарижа:

Кириш.....	3-5
I боб Банк аудитининг назарий асослари	6-22
1.1 Банк аудитининг зарурлиги, аҳамияти ва турлари.....	6-16
1.2 Ташқи аудит ўтказишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари.....	17-22
II боб Тижорат банкларида ташқи аудит ўтказишнинг асосий босқичлари.....	23-52
2.1 Ташқи аудиторлик ташкилотларини танлаш ва тендерлаш жараёни.....	23-30
2.2 Ташқи аудиторлик текшириш жараёни ва унинг ўзига хослиги.....	31-44
2.3 Ташқи аудит хулосаси, унинг аҳамияти ва турлари.....	45-52
III боб Тижорат банкларида ташқи аудит текширувини ўтказишнинг такомиллаштириш йўллари.....	53-57
Хулоса ва таклифлар.....	58-59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	60-63
Иловалар.....	64-68

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади — мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топтиришдан иборатдир. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги босқичда тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистон банк тизими тадрижий равишда қарор топиш босқичларидан ўтиб бормоқда. Унинг фаолияти халқаро банк ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Чунки, Ўзбекистон банк тизими мамлакат иқтисодиётини ислох қилиш ва риволантиришда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг мураккаб жараёни кечмоқда. Бу барқарор ишлайдиган тижорат банклар тизими мавжуд бўлишини тақозо қилади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг “Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, “Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда”.* Тижорат банклар бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий унсурларидан биридир. Уларнинг барқарорлиги муаммоси алоҳида олинган банк доирасидан чиқиб, давлат миқёсидаги вазифага айланиб бормоқда.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг Асосий Яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни Ижтимоий-Иқтисодий Ривожлантиришнинг Устувор Йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги Маърузаси. 19.01.2012, Тошкент.

Тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторида муваффақиятли ишлаши катта хатарлар билан боғлиқдир. Чунки у корхоналардан ҳам, ўзининг таҳлил хизматларидан ҳам келадиган ахборотга дарҳол муносабат билдириши керак бўлади. Бундан аён бўладики, тижорат банклари ўз фаолиятини юқори сифат билан бошқариши керак. Банк менежменти такомиллашуви ва банк соҳаси институциявий асослари мустаҳкамланишини таъминлайдиган дастлабки амалий қадамлардан бири, фаолиятининг ҳар томонларини назорат қилишнинг аниқ тизимини йўлга қўйишдан иборатдир. Лекин бу қадамни ташлаш учун банкчиларнинг хоҳишигина етарли бўлмасдан, бунинг учун адекват усуллар тўғри танланиши ҳам зарурдир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда банк назорати бўйича тижорат банклари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ўзига хос тизими ташкил қилинган. Шунингдек, тижорат банклари Марказий банкка ҳар ой фаолиятининг кўп соҳаларини ўз ичига олган маълумотлар, баланс ҳисоботи, иқтисодий нормативлар ҳисоб-китоби, фойда ва зарарлар ҳисоботларини тақдим этадилар.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида банк тизими ва унинг муҳим бўғини бўлмиш тижорат банклари олдида бозор конъюктураси ўзгариши талабларига мослашган ҳолда молиявий-иқтисодий мураккабликларни енгиш, банклараро рақобат курашида рақобатбардош бўлиш ҳамда улар фаолиятини янада ривожлантириш вазифаларини қўймоқда. Мазкур вазифаларни уддаланиши тижорат банклари молиявий натижаларини таҳлил қилишни ўрганиш, улар даромадлари барқарор ўсишини таъминлашни ва умуман банк молиясини моҳирона бошқаришни талаб этади.

Мамлакатимиз иқтисодий матбуотида тижорат банклари фаолиятининг у ёки бу соҳаларини ўрганишга оид мақолалари, чиқишлари кўп учрайди. Бу, албатта, ижобий ҳол. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банкларида аудит ўтказиш ва

уларнинг турлари бўйича муаммолар мустақил тадқиқ предмети сифатида комплекс ўрганилмаган.

Шу фикр- мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда **битирув малакавий ишининг мақсади** сифатида республикамизда банк аудитини ривожланиши, у билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш, шунингдек аудит текширувларини ўтказишни такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб **битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар** қўйилган ва батафсил ёритилган.

- Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва ривожланиши;
- банк аудитини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари;
- тижорат банкларини аудит қилиш тартиби;
- ташқи ва ички аудитнинг ўзаро алоқадорлиги;
- тижорат банкларида ташқи аудит ўтказиш тартиби ва унинг босқичлари;
- банк аудитини такомиллаштиришда ташқи аудитни ривожлантириш;
- республикамизда банк аудитинг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш.

Битирув малакавий иши- кириш қисми, уч асосий боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб Банк аудитининг назарий асослари

1.1 Банк аудитининг зарурлиги, аҳамияти ва турлари

Республикамизда тадбиркорликнинг ривожланиши, тижорат корхоналари ва банкларининг ташкил қилиниши, республика капитал бозорининг юзага келиши ўз навбатида ушбу субъектлар фаолияти юзасидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозимлигини юзага келтирди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини нафақат давлат органлари томонидан назорат қилиш, балки манфаатдор шахслар (корхона акционерлари, кредиторлари, таъсисчилари) томонидан ҳам ушбу корхоналар молиявий аҳволи тўғрисида ҳолис маълумотга эга бўлиш эҳтиёжи юзага келди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳолис экспертиза қилиш аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Аудит тушунчаси - хўжалик субъектлари фаолиятининг якунларини ҳолисона баҳолаш бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир. Чунки режали хўжалик юритиш усулида тўла мустақил бўлмаган корхоналарни аудит қилишга зарурият йўқ бўлиб, уларни тафтиш қилиш керак эди. Шунинг учун барча давлат вазирликларида тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, бу бошқармалар режали хўжалик юритишда муҳим рол ўйнаган.

Аудит атамаси латинча «**audit**» эшитмоқ сўзидан олинган бўлиб, турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини текшириш жараёнини англатади.

Аудит фанининг шаклланишига бир назар солсак, аудитнинг тарихий ватани Англия бўлиб, 18 асрнинг ўрталаридан бошлаб Англияда аудиторлик ташкилотлари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ушбу аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга мувофиқ акциядорлик ташкилотларда корхона ва ташкилотларнинг бошқарувчилари зиммасига бир

йилда камида бир марта бухгалтерия ҳисоб варақларини текшириш ва акциядорлар олдида ҳисобот бериш учун махсус одам таклиф қилиш вазифаси юклатилган эди.

Аудит тўғрисидаги қонун Англияда 1862 йилда чиққан. Худди шундай қонун 1867 йилда Францияда ҳам қабул қилинган. Америка Қўшма Штатларида аудитнинг иқтисодиёт учун зарур эканлиги 1937 йилга келиб тан олинди ва тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шундай қилиб аудитнинг келиб чиқиши биринчи навбатда ҳисоботни тузувчилар (субъект раҳбарлари) манфаатлари ва ундан фойдаланувчилар (субъект мулки эгалари) манфаатларининг мос келмаслиги, хўжалик юритиш қарорини қабул қилиш учун ҳолис маълумот зарурлиги, маълумотларни баҳолаш учун махсус билим лозимлиги, олинган маълумотларни баҳолаш учун керакли материаллар тижорат сири бўлганлиги сабабли юзага келган.

Аудиторлик фаолияти бизнинг мамлакатимизда янги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда аудит 90-йилларнинг бошида – мустақилликка эришилгандан сўнг ва бозор иқтисодига ўтиши билан ривожлана бошлади. Нодавлат секторида корхоналар вужудга келиши билан аудиторлик фаолияти хизматига талаб юзага келди, чунки бозор структуралари ўзларининг фаолиятларига мустақил баҳо берилишига эҳтиёж сездилар.

Жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш, қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, натижаларни ойдинлаштириш, олдиндан амалга оширмақчи бўлган имкониятларни чамалаш, келгуси ишларни режалаштириш, фаолиятни сарҳисоб қилиш ва фаолиятга баҳо бериш тизимлари ўз-ўзидан жамият учун зарурат сифатида аста секин шакллана бошлади. Шундай фаолият турларидан бири бу аудиторлик фаолиятидир. Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик

ташкilotларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш, профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Аудиторлик фаолиятини ўрганувчи ва унинг асосини ташкил қилувчи аудит фани корхоналарни таъсис этишдан тортиб уни бошқариш жараёни, корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва корхона фаолиятини таҳлил қилишни услубий томонларини ўргатади.

Бундан ташқари аудит, корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йулларини аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ўргатади.

Жамиятдаги муносабатларда аудитнинг зарурияти ҳисобот бериш концепцияси талаблари бажарилиши юзасидан келиб чиқади. Бу бир томон иккинчи бир томонга ҳисобот бериш ва мажбурият бажарилишини назорат қилишни эътироф этади ва бу назорат маълум бир маълумот, тушунтириш ёки ҳисобот олишни назарда тутди. Ҳисобот бериш қуйи бўғин бошқарувчилари юқори бўғин бошқарувчиларнинг акциядорларга ҳисобот бериши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун аудит назоратнинг механизми сифатида юзага келади ва ҳисобот беришнинг бажарилишига ва уларнинг ойдинлаштирилишига ёрдам беради.

Аудит ва тафтиш тушунчалари кенг маънода хўжалик юритувчи субъектлар билан молия-хўжалик фаолияти устидан ўрнатиладиган иқтисодий назоратни ташкил этиш усуллари ҳисобланади. Аудит ўтказишда ҳужжатли ва ҳақиқий тафтишнинг айрим амаллари, айрим ҳисоб объектларини тафтиш қилиш усулларида фойдаланилади.

Аудит хўжалик субъектининг оммавий молиявий ҳисоботини тўғрилигини, тўлиқлигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги қонун ва талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган мустақил экспертиза ва таҳлилни билдиради. Бундан ташқари аудит яна бошқа назорат ишларини ўз ичига олади.


Аудитнинг асосий фаолияти субъектнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ фактларни йиғиш ва баҳолашдир.

Шунингдек Ўзбекистондаги аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик ҳулосасини бериш қобилиятига эга, сертармоқ ва профессионал даражадаги умуммиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш ҳисобланади.

Бугунги кунда аудитининг тараққий этиши натажасида унинг жуда кўп турлари вужудга келди. Уларни ҳар бирини алоҳида турларга таснифлаш орқали кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди. Аудит йўналиши бўйича (текширилаётган иқтисодий субъект хусусиятига кўра) банк аудити, суғурта аудити, биржа, бюджетдан ташқари фондлар ва инвестиция институтлари аудити ва умумий аудит кўринишларга эга .

1-чизма

Аудит йўналиши бўйича турлари*



Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида

* Манба: Чизма муаллиф томонидан тайёрланди www.auditor.uz интернет сайти маълумотлари асосида

аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Банк аудитини асосий **моҳияти** банк тизимини бир маромда фаолият курсатишини, кредиторлар, омонатчилар ва мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш шу билан бирга соғлом банк фаолиятини ташкил қилишда назорат органлари мамлакатни ички ва ташқи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларини ташкил этишдан иборатдир. Шунингдек банк аудити бу давлат ва нодавлат органларнинг белгиланган меъёр ва қонуний ваколатлар доирасида амалга оширилувчи ҳаракатлар тўпламидир. Ушбу таъриф банк аудити моҳиятини белгилайди.

Яъни банк аудити ҳар бир давлатда ўз хусусиятларидан келиб чиқиб давлат органларини бирига ёки бир нечтасига топширилади. Албатта уларнинг назорат ёндашув усуллари турлича, лекин уларнинг мақсади бир хилдир.

Банк аудит аудитнинг бир кўриниш бўлиб, унинг **асосий мақсади** молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни текширишдир. Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда банк аудитида бир неча вазифалар юзага келади.

Банк аудитининг муҳим **вазифаларидан** бири, ички банк сферасида одил рақобатни ташкил этишдан иборат. Бу кейинчалик кўпгина салбий оқибатларни олдини олади.

Банк аудитининг яна бир **вазифаси** банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва барча мижозларга бир хил муносабатда бўлишларини таъминлашдан иборатдир. Чунки истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланган. Назорат органлари ходимлари банкни стабил фаолияти тўғрисида жонкуярлик қилиб, уни банкротликдан

сақлашлари лозим. Бу эса мақсад сари энг тўғри стратегиядир. Бунда банк секторини давлат аралашувидан озод этиш ва янги банкларга лицензиялар бериш ҳамда уларни фаолятини тартибга солишда оқилона банк назоратини самарали мажмуи зарурати туғилади.

Кредит ташкилотлари учун банк аудити қуйидаги **вазифаларни** ҳам бажариши мумкин:

- ✓ Молиявий-хўжалик фаолятини таҳлил қилиш, активлар ва пассивларни баҳолаш;
- ✓ Молиявий-хўжалик фаолият натижаларини башорат қилиш ва молиявий барқарорлигини, ликвидлилигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- ✓ Бухгалтерия ҳисобини жорий қилиш, тиклаш ва юритиш;
- ✓ Молиявий, солиқ, банк иши ва бошқа хўжалик қонунчилиги масалалари бўйича маслаҳат бериш;
- ✓ Ходимларни ўқитиш;
- ✓ Қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти маълумотларини тасдиқлаш;
- ✓ Аудиторлик фирмаси йўналиши бўйича бошқа хизматлар кўрсатиш.

Юқорида санаб ўтилган масалаларнинг ҳаммаси битта умумий йўналишга эга: улар кредит ташкилотларига ўз натижаларини яхшилашда ва барқарор фаолият кўрсатишига ёрдам беришлари лозим.

Банк аудитини **зарурийлиги** банкларнинг банкротлик рискига жуда яқинлик билан белгиланади, бунда битта банкнинг банкротлиги бир неча соҳа субъектлари бўлмиш кредиторлар ва мижозларнинг банкротлигига олиб келиши ёки бошқа банклар фаолятига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки иқтисодиётда барча соҳа субъектлари ўзаро занжирли боғлиқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда банк аудити бевосита мустақиллик йилларидан сўнг тараққий эта бошлади Банк аудитини аудитнинг бир кўриниши сифатида бир неча белгилар бўйича чуқурлаштириш мумкин ва шу белгилари асосида банк аудитининг бир неча турларини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин:

2-чизма

Банк аудитининг асосий йўналишлари бўйича турлари*



Банк аудитининг ҳар бир турини алоҳида кўриб ўтамиз. Банк аудитини ўтказиш усулига кўра 2 хил яъни мажбурий аудит ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви тарзда амалга оширилади.

Мажбурий аудит - Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган ҳолларда ўтказилади.

* Манба: Чизма муаллиф томонидан тайёрланди www.auditor.uz интернет сайти маълумотлари асосида

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви; хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Банк аудитини ўтказиш хусусиятига кўра ташқи ва ички аудит турларига бўлинади:

Узбекистон республикаси қонунчилиги ва МБ меъёрий Ҳужжатлар билан шартнома асосида мустақил аудиторлар аудиторлик фирмалари ва хусусий тадбиркорлар томонидан тақдим этилган Кредит ташкилотлари аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик фирмаларини узлари танлашади. Йиллик ҳисоботни тасдиқлаш мақсатида, ҳар йиллик мажбурий аудитни ўтказиётган аудиторлик фирма, кредит ташкилотининг катнашчилари (акционерлари) томонидан умумий йиғилишда тасдиқланиши лозим. Тасдиқланган аудиторлик фирмаси (аудитор) ҳақида маълумотларни, кредит ташкилотлари МБнинг жойлардаги муассасаларига ҳабардор қилиш керак;

Ташқи аудит - юқорида айтиб ўтганимиздек мустақил аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини текшириш ва у бўйича хулоса беришдан иборат. Ташқи аудит ички аудит билан узаро алоқада олиб борилади. Биринчи ўринда ички назорат фаолияти ва ташкилотчилиги баҳоланади, бунда ички аудитнинг объективлик даражаси, мустақиллиги, бажарилган ишлар ҳажмига эътибор қаратилади. Ташқи аудиторлар текшириладиган банкнинг умумий фаолиятини ўрганадилар. Объектив баҳолаш учун энг биринчи ўринда актив ва пассив муомалаларнинг ҳолати кўриб чиқилиши, банкнинг молиявий ҳисоботи тўғри тузилганлиги ва унда акс эттирилган муомалаларнинг қонун талабларига жавоб бериши текшириб чиқилиши лозим. Банкдаги аудиторлик текширувларининг объектларидан бири бу банкнинг йил якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботидир. Молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бу банкнинг баланси бўлиб,

баланс актив ва пассив кисмлардан иборат. У банкнинг даромадлари ва харажатлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги бошқа асосий маълумотларни уз ичига олади.

Ички аудит - кредит ташкилотининг махсус бўлинмаси (бўлими) томонидан утказилади; унинг фаолияти ва текшириш йўналишлари қонун билан тартибга солинмасдан кредит ташкилоти раҳбарияти томонидан белгиланади. Ички аудит кредит ташкилоти ўзининг таркибий тузилмаси сифатида унинг йиллик ҳисоботини тасдиқлай олмайди Ички аудит - ички назорат тизими ва банкнинг хавфсизлик тизимини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Банк фаолиятида омонатчилар манфаатларини химоя қилиш ва аниқ натижаларга эришиш мақсадида ички назорат тизими жорий этилади⁶. Ички назорат тизими банкнинг иш режаси, усули ва жараёнлари, фойданинг кўпайиши ҳамда банк раҳбарияти топшириқларининг аниқ бажарилишини таъминлашни уз ичига олади. Ички аудит банк таркибининг ташкилотчилик бўлинмаси сифатида тан олинган булиб, банк раҳбариятига буйсунади. Ички аудитнинг вазифаси турлича булиши мумкин: бухгалтерия ҳисобини тўғри олиб боришни текшириш; банк даромадлари ва харажатлари ҳисобининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш (фойдани тўғри ҳисоблаш, харажатларни уз вақтида ҳисобларда акс эттириш ва бошқалар); бошқа муомалаларнинг қонуний бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар⁷. Ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш учун услубий топшириқномалар ёки йуриқномалар ишлаб чиқирилиши тавсия этилади. Ушбу йуриқномалар керакли иш объектларида нималарни назорат қилишни аниқлаб беради. Ички аудит йиллик режа асосида олиб борилади. Текширувни ташкил этиш ва ўтказишда ички аудит бошлиғи тула жавобгарликни уз буйнига олади. Ички аудит бошқарув назорат тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Ички назоратнинг хусусияти тарихан ўзгарган булиб, аввал аудитнинг роли молиявий бошқарув ва активлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Назорат қийинлашган шароитда ички назорат тизимининг циклик бажарилиш жараёни аста-секинлик билан ривожланиб бори. Ички аудит давлат ва хусусий сектор шаклида фаолият юритади. Ички

аудитнинг вазифаси - ходимларнинг уз вазифаларини имкон қадар сифатли ва самарали бажаришларига ёрдам беришдир. Ички аудитор бухгалтерия маълумотлари тўғрилигини текширади. Ички аудиторлар раҳбарият олдида ҳисобот беради ва аудиторлар қумитаси билан тўғри алоқада бўлади.

Банк аудити ўтказиш муддатига кўра ҳам 2 турга бошланғич ва келишилган (такрорий) аудит турларига бўлинади.

Бошланғич аудит - аудиторлик фирмаси кредит корхоналари билан биринчи бор ишлаганда бундай мижоз билан ишлаш таваккалчиликни ва иш ҳоҷмини оширади (аудиторлар мижознинг фаолият хусусиятларини, ички назорат тизими ва ҳақозолар ҳақида ахборот билан таъминланмаган);

Келишилган (такрорий) аудит - аудиторлик фирмаси қайта ёки мунтазам равишда ўтказилади; мижознинг ўзига хос хусусиятларини билишларига асосланган, унинг ижобий ва салбий томонларини, бошқарувчиларнинг квалификациясини, булар бошқа томонлар ўзгармаган ҳолда аудиторлик таваккалчилигини пасайтиради. Шу билан бирга, мижоз билан куп вақт мобайнида ишлаган ҳолларда, «қуз ўчида текшириш» камчиликлари мавжуд бўлиши мумкин, бу янги ёндашувни, мижознинг бошқа операцияларини тез аниқлашда ва мижознинг фаолиятини баҳолашда қийинчилик туғдиради;

Банк аудитининг ривожланиш томонидан уни уч поғонага ва шунингдек уч тур йўналишга бўлинади. Банк аудитининг ривожланиш томонидан дастлабки тури *тасдиқловчи аудит* ҳисобланиб, кредит корхонанинг бухгалтерия ҳисобининг текшириш ва тасдиқлашни англатади;

Иккинчи тури эса *бир тартибга йўналтирилган аудит* - мижознинг назорат операцияларини тартибини қузатишини имкониятини беради. Бу ерда аудиторлик текшируви кредит корхонанинг ички назорат тизимининг таҳлилига асосланади. Ишботланган, самарадорлик ички назорат тизимида

хато қилиш эҳтимоли жуда кам, шу сабабдан аудитор мижознинг ҳамма томонларини текшириш шарт бўлмай қолади. Ўз вақтида фаолиятдаги камчиликларни аниқлолмайдиган ва тузатолмайдиган, самарадорсиз ички назорат тизимида, мижозга унинг такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилади;

Сўнги учинчи тури *таваккалчиликка асосланган аудит* - текширишни танланма асосида олиб боришни ва аудиторнинг ишини асосан мижоз фаолиятининг асосий аспектларида, «махсус қисмларда», аудиторлик таваккалчилиги юқоририроқ бўлган жойларда амалга оширилади.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иўтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтди, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилди. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошқоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани, яъни раҳбарлар, ходимлар, мижозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. Бинобарин мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан ҳам ушбу соҳани ривожлантириш ва талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш, ҳамда республикаимизда аудит соҳасини ривожланиши ва такомиллашиши учун барча чораларни кўриб бормоқда.


1.2 Ташқи аудит утказишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари.

Мустақиллик йилларида аудитнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида унинг ҳуқуқий асоси ҳам босқичларига мос равишда ривожланиб борди. Аудитнинг ҳуқуқий асосининг ривожланиши аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилишнинг босқичлари билан мувофиқ тарзда амалга оширилиб бирилди. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилишни шартли равишда 3 босқичга бўлиб ўрганамиз:

I - босқич 1992-1999 йилларни, II - босқич 2000-2006 йилларни, III - босқич 2007 йилдан – ҳозиргача бўлган вақтни ўз ичига олади.

3-чизма

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилишнинг босқичлари*



Дастлаб, I – босқичда 1992- йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Аммо бу қонун умумий аудитга хос бўлиб унда банк аудитига таалукли қисми йўқ эди. Шунинг учун 2000- йил 26 майда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонун 29 моддадан таркиб топган бўлиб, унда аудиторлик

* Манба: Чизма муаллиф томонидан тайёрланди www.auditor.uz интернет сайти маълумотлари асосида

фаолиятини ташкил қилиш, уни амалга ошириш тартиби, аудитор ва аудит ташкилотларига аудиторлик фаолиятинини амалга ошириш учун қўйилган малакавий ва лицензия талабларидан иборат.

Тижорат банкларида ўтказилаётган аудиторлик текширишлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди.

Мазкур фармон талабларини бажарилишини таъминлаш ва Республикада банк аудитини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Марказий Банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кировчи тижорат банклари аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий Банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида”ги, “Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва

аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги бир қатор низомлар ишлаб чиқилди*.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 1998-йил 4 июлда 403- сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида” ги низом оркали банк аудити ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди. Ушбу низомга 1999-йил 18-сентябрда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек 2000- йил 24- июлда унинг янги таҳрири қабул қилинди. Низом - банк аутини ўтказиш тартиби ва уни амалга ошириш учун тегишли лицензия (1-илова) ва малака сертификатини (2-илова) олишга ва уни амал қилишига доир қўйиладиган талаблардан иборатдир. Низомга мувофиқ банк аудити билан шуғулланиш учун аттестация ва лицензиялаш Марказий банк томонидан банк аудити бўйича аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестация ўтказиш ва лицензия бериш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган квалификация сертификатини олиш учун, квалификация имтихонларга банк аудиторларини таёрлаш Марказларда махсус курсларни ўқиган шахслар киритилади*.

Аудитни давлат даражасида тартибга солиш борасида унинг ўтказиш сифатини ошириш ва амалиётга илғор тажрибаларни жорий қилиш мақсадида аудиторлик касби эгалари риоя қилиши лозим бўлган аудиторлик фаолияти миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

* Манба: С Норқобилов, О Абдусаломова “Банкларда аудит”. Тошкент “Маънавият ” 2005 й. 13-14 бетлар

* Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2000- йил 24- июлда қабул қилинган 403- сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида” ги низомдан

Аудиторлик стандартлари асосий мақсади аудит ўтказишга ва ҳужжатлар тайёрлашга, аудит сифат даражасини баҳолашга, аудиторларни тайёрлаш тартибига ва уларга риоя қилинганда аудиторлик текшируви натижаларини кафолатлаш мақсадида ишлаб чиқилган умумлашган асосий тамойилларни жамлашдан иборатдир. Стандартларга аудит қандай шароитда ўтказилаётганлигидан қатъий назар риоя қилиниши лозим. Ўз амалиётида стандартлардан четга чиқиш ҳолатларига йўл қўйадиган аудитор ўз фаолиятини асослаб беришга тайёр бўлиши лозим.

Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари халқаро аудиторлик стандартлари талабларини инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда аудиторлик фаолиятининг 20 та миллий стандарти тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистан Республикаси Марказий Банкнинг 1998 йил 4 июль 405-сонли тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблари тўғрисидаги Низомига мувофиқ, барча тижорат банкларида ички аудит хизмати ташкил этилди.

Банкда амалга оширилаётган операцияларни балансда тўғри акс эттирилишини таъминлаш, бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйишда ички аудит хизматининг роли муҳимдир. Шу боис ҳам барча тижорат банкларида ички аудит хизмати бевосита банк Кенгашига буйсундирилган.

Ташқи аудиторларнинг асосий вазифаси банк томонидан олиб борилаётган фаолиятни қонунчиликка ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини ҳамда ички назорат томонидан олиб борилаётган фаолиятни назорат қилишдан иборатдир. Ушбу вазифаларни бажариш

мақсадида тижорат банклари ички аудиторлари томонидан банк молиявий ҳисоботлари жорий аудит текширувидан ўтказиб борилмоқда

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот, банкларни назорат қилиш» деб номланган VI—бобида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиши, Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб бориши ва қонуннинг 43-моддасида эса «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, рискни ва ликвидлиликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт». деб белгиланган.

Аудитни ислоҳ қилишнинг II босқичи 2000-2006 йилларни ўз ичига олади ва у 2000- йил 26 майда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши билан бошланади. Ушбу қонун банк аудитини ҳам қамраб олган.

Шунингдек мамлакатимизда “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори ва бир қатор аудитга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аудитни ислоҳ қилишнинг III босқичи 2007 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган даврни ўз ичига олади ва у “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли Қарори қабул қилиниши билан бошланади. Ушбу қарорда аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотларини ташкил қилишга оид бир қатор талаблар белгиланган. Шунингдек “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ПҚ-907-сонли Қарори, Аудиторлик ташкилотларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низом (рўй.рақами 1709, 2007 йил 3 сентябр) ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотнома” шакли ва уни тўлдириш бўйича қоидалар (рўй.рақами 1744, 2007 йил 29 ноябр) қабул қилинди ва булар бевосита аудитнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганининг сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жиҳатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончлигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар рискни бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлигини макбул даражада таъминлашга қаратилган.

II боб Тижорат банкларида ташқи аудит ўтказишнинг асосий босқичлари

2.1 Ташқи аудиторлик ташкилотларини танлаш ва тендерлаш жараёни

“Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб, тижорат банклари ҳар йилда бир марта мажбурий аудитдан ўтиши лозим бўлади. Тижорат банкларининг ташқи аудитдан ўтказиш шартли равишда уч босқичда амалга оширилади:

- Ташқи аудиторлик ташкилотларини танлаш ва тендерлаш жараёни;
- Ташқи аудиторлик текширувларини амалга ошириш жараёни;
- Ташқи аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш ва хулоса бериш;

Дастлабки босқични амалга оширишдан олдин ҳар йили ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисобот йили якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблари ишлаб чиқилади. Ташқи аудитга қўйиладиган талаблар ҳар йили янгиланиб, мукаммалаштирилиб борилади. Ушбу талабларнинг охириги уч йиллигини яни 2009,2010,2011 йиллардаги аудит талабларни динамик тарзда талил қилиб, улардаги асосий ўзгаришлар тўғрисида фикр юритамиз.

Ушбу талаблар бевосита умумий қоидалар, аудитнинг асосий мақсади, аудиторлик текширувини ўтказиш шартлари ва муддатлари, аудиторлик ташкилотлари банкларининг мажбуриятлари, аудиторлик ҳисоботида ўрганилиши ва акс еттирилиши лозим бўлган масалалар, аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунига ўйиладиган талаблар, аудиторлик текширувини ўтказишга доир аудиторлик ташкилоти ва банк ўртасида қилинадиган шартномага қўйиладиган талаблар қисмидан иборат.

Марказий банки томонидан ҳисобот йили якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талабларининг ҳуқуқий асоси сифатида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” , “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”,ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатиладиган хизматлар сифати бўйича уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» , «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада исло қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» қарорларига (2011-йилдан) ҳамда Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, аудиторлик ташкилотлари томонидан тижорат банкларида ўтказиладиган аудит текширувлари кўламига, ҳисоботларни расмийлаштирилишига, аудиторлик хулосаларининг мазмуни ва сифатига Марказий банкнинг талаблари ўрнатилган.

Талабларнинг “Аудиторлик ҳисоботида ўрганилиши ва акс эттирилиши лозим бўлган масалалар” таркибидаги бандлар 2009 ва 2010-йил учун ўзгармас ҳолда қолган, 2011-йилда еса банкнинг бошқа активлар (19900), бошқа мажбуриятлар (29800) ва аниқланиш жараёнидаги транзакциялар (17305, 23206) ҳисобварақлари орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги ва ушбу ҳисобварақларда ҳисобга олинаётган маблағларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва уларга баҳо бериш банди қўшимча текшириш объекти сифатида киритилган, шунингдек банк капитали етарлилигини баҳолаш, валюта, қимматли қоғозлар ва асосий воситалар билан болиқ операцияларни тўғри амалга оширилиши, банк даромадлари ва харажатларини ҳамда фойдасини солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳисобланганлигини ва тўланганлиги, активлар сифати ва уларга мос захирани ташкил қилиш (632 бўйича) , «Фоишларни

ўстирмаслик тўғрисида»ги Низомга амал қилиниши ва бошқа масалалар белгиланган.

Аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар қисмида асосан миждознинг молиявий ҳисоботларига аудиторлик хулосаси ва аудиторлик ҳисоботи тайёрлаш, ички аудитнинг аҳволи тўғрисида алоҳида ҳисобот, аудиторлик текшируви давомида аудиторлар томонидан тайёрланган бошқа ҳисоботлар, ҳамда бошқа зарур бўлган ҳолларда, бухгалтерия ўтказмаларига тааллуқли иш ҳужжатларининг нусхалари алоҳида келтирилиши белгилаб қўйилган.

Аудиторлик ташкилоти ва банк ўртасида тузиладиган шартномага ҳам бир қатор талаблар қўйилган ва унларга мувофиқ банк ҳисобот йилига қадар аудиторлик ташкилотларини танлашлари ва ҳисобот йилидан кейинги 2 ой ичида Марказий банкка шартномани тақдим қилишлари керак. Шунингдек аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисобот ҳамда банкнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар ҳисобланадилар. Агар тузилган хулоса банк фаолияти ва ҳужжатларига мувофиқ келмаса ушбу хулоса сохта ҳисобланади. Булар бевосита шартномада акс эттирилиши лозим бўлади. Агар бошқа зарурий ҳолатлар юзага келса ушбу талабларга қўшимча ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган бу талаблар тижорат банклари раҳбарлари ва аудиторлик ташкилотлари раҳбарларига жўнатилади. Тижорат банклари ушбу талабларни бевосита ўрганиб чиқиб, ташқи аудиторлик ташкилотларини танлаш, яни тендерлаш жараёнини амалга оширишади.

Тендерлаш жараёни ҳам 2 босқичдан иборат бўлади:

- дастлабки танлов
- ҳақиқий танлов

Дастлабки танлов босқичида тижорат банклари ташқи аудитдан ўтиш учун оммавий ахборот воситалари, яни интернет сайтлари, газета ва журналлар орқали ташқи аудиторлик ташкилотларига эълон берадилар. Аудиторлик ташкилотлари эса ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, аудиторлик текшируви учун таъриф ва нархлари бўйича ўз таклифларини билдирадилар. Ушбу танловда қатнашган аудиторлик ташкилотлари дастлабки танлов рўйхатида акс эттирилади ва Банк кенгашига тақдим қилинади. Кўрсатилган таъриф ва нархларга нисбатан Банк кенгаши ушбу аудиторлик ташкилотлари рўйхатидан танлаган ҳолда кичик рўхат тузади. Ушбу босқич ҳақиқий танлов босқичи деб аталади. Ҳақиқий танлов босқичида тузилган кичик рўйхатдаги аудиторлик ташкилотларидан бири танланади ва аудиторлик ташкилотига танловдан ўтганлиги хусусида ёзма хат орқали хабар қилинади. Аудиторлик ташкилоти ва банк ўртасида шартнома тузилади. Аудиторлик ташкилоти ўзининг аудит дастурини тузиб чиқади, унда текширув объектлари ва муддатлари, шунингдек аудитда муҳимлилик даражаси белгиланиб олинади. Муҳимлилик даражаси – берилган хулосада– аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий ҳисобларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир. Муҳимлилик даражаси қанчалик паст даражада аудиторлик ташкилотининг мавқеи шунчалик юқори даражада бўлади. Муҳимлилик даражаси бевосита $0 < m < 1$ коэффициент ўртасида бўлади. Қуйидаги жадвалда банк баланси моддалари муҳимлилик даражаси келтирилган

Банк баланси моддаларининг муҳимлик даражаси*

Актив		Пассив	
Модда номи	Муҳимлик даражаси %	Модда номи	Муҳимлик даражаси %
Пул маблағлари	0,01	Капитал ва фондлар	0,5
Корреспондентлик ҳисобварақлари	0,01	Қарз бўйича йўқотишлар учун заҳиралар	1,5
Банк мулки	1,98	Қимматли қоғозлар баҳосини камайтириш учун заҳиралар	1
Кредит ресурслари бўйича тўланган фоизлар	1	Кредитлар даромадлари бўйича	0,5
Қимматли қоғозлар билан муомалалар бўйича ҳаражатлар	1	Қиммат қоғозлар бўйича даромадлар	0,5
Келгуси давр ҳаражатлари	1,5	Келгуси даромадлари давр	2
Бошқа ҳаражатлар	1,5	Бошқа даромадлар	2
Фойдадан фойдаланиш	1	Ҳисоблашишдаги маблағлар	1
Банк томонидан берилган кредитлар	1	Мижозлар ҳисобварақларидаги маблағлар	0,2
Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар	0,5	Депозитлар	0,2
Даромад келтирувчи бошқа активлар	0,5	Банкларо кредитлар	0,6
Жами	10	Жами	10

* Манба:Жадвал муаллиф томонидан 9- АФМС асосида тайёрланди

Юқоридаги жадвалда келтирилган коэффициентларни мос равишда баланс моддаларининг аудит қилинаётган даврдаги қолдиғига кўпайтириш орқали муҳимлилик даражаси суммаси келиб чиқади

Аудиторлик ташкилоти ушбу жараёнлардан сўнг марказий банкниг аудиторлик текширувига қўйган талаблари асосида ташқи аудитнинг 2 босқичи – аудиторлик текшируви босқичини амалга оширади.

Йирик инвестициялар жалб қиладиган, шунингдек чет эл банклари билан ўз фаолиятини ҳамкорликда олиб бораётган банklar халқаро ташқи аудиторлик ташкилотлари томонидан ташқи аудитдан ўтадилар. Дунёдаги энг йирик ва машҳур аудиторлик ташкилоти сифатида қуйидаги Йирик тўртлик ни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин:


- PricewaterhouseCoopers
- KPMG
- Ernst & Young (E&Y)
- Deloitte & Touche

Бу йирик тўртлик жаҳондаги йирик аудиторлик ташкилотлари ҳисобланиб, улар сифатли аудиторлик ва консалтинг хизматларини кўрсатишади. Дастлаб улар йирик саккизлик деб аталган, 1989 йилда Deloitte, Haskins and Sells и Touche Ross каби йирик аудиторлик ташкилотлари бирлашган ҳолда Deloitte & Touche деб аталди, шунингдек Ernst & Whinney и Arthur Young ташкилотлари бирлашиб Ernst & Young деб аталди ва улар йирик олтилик номини олишди. 1998 йилга келиб эса Price Waterhouse и Coopers & Lybrand ташкилотлари биргаликда PricewaterhouseCoopers номини олди ва йирик бешлик деб аталди. Аммо 2002 йилда Arthur Andersen аудит тошкilotи кўп миждозларини йўқотиши натижасида йирик бешлик йирик тўртлик номини олди. Йирик тўртлик халқаро аудиторлик ташкилотлари

ҳисобланиб, улар ҳар бир мамлакатга аккредитация қилинган, яъни чет мамлакатларида ўз ваколатхоналарини очганлар, шу жумладан юртимиз Ўзбекистонда ҳам уларнинг ваколатханалари мавжуд. “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малакаси бўйича атестация комиссияси” тамонидан қуйидаги халқаро аудиторлик консалтинг фирмаларига банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини боровчи тегишли сертификатлар берилган. Бугунги кунда эса улар ҳамкорлар сони жиҳатидан ҳам, даромадлилик жиҳатидан юқори салмоққа эгадир

1-диаграмма

Халқаро аудиторлик ташкилотларининг 2010-2011-йилларлаги даромади ва ҳамкорлари сони*



* Манба: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Большая_четвёрка_\(аудит\)](http://ru.wikipedia.org/wiki/Большая_четвёрка_(аудит))

Юқоридаги диаграммада халқаро аудиторлик ташкилотларининг 2010 ва 2011 йиллардаги миқдорлари ва ҳамкорлари сони тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳамкорлари сони бўйича “Deloitte and Touche” энг юқори поғонани эгаллаган бўлсада, даромадлилик жиҳатидан “PricewaterhouseCoopers ” 1- ўринни эгаллаган. Ernst & Young ва KPMG лар уларга нисбатан ҳамкорлар сони ҳам, даромадлилик жиҳатидан пастроқ ўринни эгаллаган.

Шунингдек бу халқаро аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти рейтинглари жиҳатидан жуда яхши баҳоланган. Мамлакатимизда уларнинг ваколатхоналари мавжуд бўлиб, 2010- йил якунлари бўйича уларнинг аудиторлик фаолияти бевосита рейтинг қилинган (3-илова). Жадвалда мамлакатимизда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари фаолияти 2010 йил 31- декабр ҳолатига нисбатан рейтинг қилинган. Умумий рейтинг натажаларини ўзаро солиштиргани-мизда, А1 билан баҳоланган аудиторлик ташкилоти нисбатан камроқ бўлиб, энг юқори салмоқчилири В1 ва В2 билан баҳоланган аудиторлик ташкилотларига тўғри келади. Бу эса аудиторлик ташкилотларини янада сифатли аудиторлик текширувини ўтказишга ундайди.

2.2 Ташқи аудиторлик текшириш жараёни ва унинг ўзига хослиги

Тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказишнинг 2- босқичи, асосий босқич ҳисобланиб банк фаолиятини аудит қилишдан иборатдир. Аудит қилиш усули ҳам 2 хил тарзда амалга оширилиши мумкин:

- On side усули
- Off side усули

Ташқи аудит қилишнинг on side усулида аудиторлик ташкилоти тижорат банкига борган ҳолда унинг керакли ҳужжатларини аудитдан ўтказади. On side усулининг афзаллиги шундаки унда аудитор бевосита банкнинг ўзида текширувни амалга оширади ва бу аудиторга банкни етарли даражада аудит қилишга имкон беради

Аудитнинг Off side усули эса банкни маълум масофадан турган ҳолда бевосита аудит қилиш жараёнини англатади. Бунда тижорат банклари аудиторлик ташкилоти томонидан талаб қилинган ҳужжатларни аудиторлик ташкилотига тақдим қиладилар ва аудиторлар ўз иш жойларидан турган ҳолда тижорат банкини аудит қилишади. Тақдим этилаётган ҳужжатлар ҳақиқийлигига бевосита банк жавобгар ҳисобланади.

Ташқи аудит ўтказишнинг 2 усулини ўзида мужассамлаштирган аралаш усул ҳам мавжуд бўлиб, бунда ҳам On side ҳам Off side усулидан фойдаланилади. Аралаш усулнинг ўзига хослиги шундаки бунда аудит қилиш жараёни тезлашади ва вақт тежалади.

Тижорат банкларини ташқи аудит қилиш жараёнида асосан уларнинг Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мослиги текширилади. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари қуйидаги ҳисоботларни ўз ичига олади:

- Банк баланс ҳисоботи

- Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот
- Ҳисоботга тушунтиришлар

Ташқи аудит жараёнида ушбу ҳисоботларнинг ҳар бири аудит қилинади. Банк баланс ҳисоботини аудит қилиш жараёнида дастлаб қуйидаги тенгликнинг тўғрилигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Активлар= Мажбуриятлар + Банк капитали

Баланснинг дастлабки моддаси Пул маблағлари ва эквивалентларини аудит жараёнида нақд пуллар, марказий банкдаги пул маблағлари , марказий банкдаги банкнинг мажбурий резервлари, вакиллик ҳисоб рақамидаги ва бошқа банкдаги овернайт депозитлар счётларидаги қолдиқлар ўтган йил билан биргаликда солиштирилади ва улар рейтинг компаниялари орқали кредит сифати бўйича синфларга ажратилади

Банк балансининг кейинги моддаси бошқа банклардаги пул-маблағлари ҳисобланиб, фойдаланиш ҳуқуқи чекланган маблағлар, узоқ муддатга банкларга жойлаштирилган маблағлар, бошқа банкларга жойлаштирилган пул маблағлари ва марказий банкдаги пул маблағларидан иборат бўлиб , ўтган йил билан солиштирилади ва уларга мос заҳира ажратилади, банк бу заҳиралардан ўз фаолиятини молиялаштира олмайди.

Мижозларга берилган кредитлар банк фаолиятининг асосини ташкил қилиб, унинг аудит жараёни жуда муҳим ҳисобланади. Дастлаб берилган кредитлар мижозлар бўйича яъни гуруҳларга ажратилади:

ОАТБ “Ҳамкорбанк” томонидан 2010 ва 2011 йилларда мижозларига ажратилган кредитлар*

(йил охирига нисбатан)

№	Мижозлар гуруҳлари	2010 йил		2011 йил		Ўзгариши (+; -;)	
		Млн сўмда	улушда (% да)	Млн сўмда	улушда (% да)	Млн сўмда	улушда (% да)
1	Корпоратив кредитлар	135361,8	61,09	178959	59,41	43597,2	-1,67
2	ЯТТ ларга кредитлар	47973,3	21,65	68393,7	22,70	20420,4	1,05
3	Истеъмол кредитлари	30887	13,94	39026,6	12,95	8139,6	-0,99
4	Давлат ва маҳаллий ташкилотларга кредитлар	7350,5	3,32	14871,3	4,94	7520,8	1,62
5	Жами	221572,6	100	301250,6	100	79678	

Жадвалда ОАТБ “Ҳамкорбанк” томонидан 2010 ва 2011 йилларда мижозлар таркиби бўйича ажратилган кредитлар миқдори келтирилган бўлиб, ЯТТ ларга кредитларга берилган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 20420,4 млн бирликка ошган. Корпоратив мижозларга берилган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан мутлоқ суммада ошган бўлса-да, улуши жиҳатидан камайган.

Кейинги қадамда эса берилган кредитларнинг таминотига қараб гуруҳларга ажратилади:

- Таминланган кредитлар
- Таминланмаган кредитлар

Таминланган кредитлар бўйича олинган горювлар қиймати мижозлар синфига қараб тақсимланади, шунингдек ҳар бир таъминот тури бўйича

* Манба:Жадвал муаллиф томонидан ОАТБ “Ҳамкорбанк” молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тайёрланди

гурухлурга ажратилади ва уларнинг миқдори ўтган йилга нисбатан солиштирилади.

3- жадвал

ОАТБ “Ҳамкорбанк” да берилган кредитларнинг таъминоти турлари*

(йил охирига нисбатан)

№	Таъминланган кредитлар	2010 йил		2011 йил		Ўзгариши (+;-)	
		Млн сўмда	улуши %да	Млн сўмда	улуши % да	Млн сўмда	улуши %да
1	Кафиллик ва кафолатлар	5045	2,3	161167,1	53,5	156122,1	51,2
2	Иншоотлар ва қурилмалар	11048,3	5	85433	28,4	74384,7	23,4
3	Товар моддий захиралар	28672,9	13	23246,1	7,7	-5426,8	-5,3
4	Кўчмас мулклар	109614,2	49,5	15975	5,3	-93639,2	-44,2
5	Транспорт воситалари	59512,7	26,9	10456,2	3,5	-49056,5	-23,4
6	Депозитдаги маблағлар	2816,2	1,3	2205,2	0,73	-611	-0,57
7	Бошқалар	4863,3	2,2	2768,2	0,9	-2095,1	-1,3
8	Жами таъминланган кредитлар	221572,6	100	301250,8	100	79678,2	

Юқоридага жадвал маълумотлари бўйича кредит таъминотида кафолат ва кафилликлар жорий ўтган йилга нисбатан 51,2% га ошган ва унга мос равишда кўчмас мулклар сифатидаги таъминотлар 44,2 % га камайган. Шунингдек транспорт воситалари таъминоти ҳам 23,4 % га камайган. Банк кредитлар таъминотида асосан уларнинг ликвидлилигига юқори этибор қаратган. Аммо депозит маблағлари кўринишида қўйилган таъминот турлари ўтган йилга нисбатан 0,57 % га камайган

* Манба: Жадвал муаллиф томонидан ОАТБ “Ҳамкорбанк” молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тайёрланди

Мижозларга берилган кредитлар аудитида кредитларнинг сифат жихатидан тўғри классификация қилинганлиги ва уларга мос захира меъёрлари ажратилганлигига алоҳида этибор қилинади. Ушбу жараёнда банк 39- Халқаро Аудиторлик Фаолияти Стандартлар (ХАФС)ига яъни “Молиявий инструментлар: тан олишлар ва баҳолаш” стандартига амал қилинганлиги ва портфел бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга захира ташкил этилганлиги тўғрисида изоҳ келтирилади. Шунингдек банк ички сиёсати муддати ўтмаган ва қадрсизланмаган кредитларни ҳозирги вақтгача уларнинг қадрсиз аломатларига обектив тарзда ёндашган ёки ёндашмаганлига этибор қилинади.

Шунингдек муддати ўтган ва қадрсизланган кредитлар бўйича қанчалик миқдорда таъминотга эга эканлиги яъни таминот сифатида қўйилган гаров асосий қарз ва фоизини қоплай олиши ёки оломаслиги бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолда ўрганилади.

Ҳисобот йилида кредитлар бериш натижасида уларга мос захиралар ажратилади ва махсус захиралар таркибининг ўзгариши бевосита таҳлил қилинади.

Ажратилган кредитларга мос захирани ажратиш учун берилган кредитлар соҳалар бўйича таснифланади ва ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда резерв нормалари белгиланади, шунингдек бошқа йилларга нисбатан ўзгарувчан бўлади яни қатий белгиланмайди.

Мижозларга берилган кредитлар таркибида молиявий лизинг бўйича дебиторлик мажбуриятлари мавжудлиги сабабли, улар ҳам лизинг муддатлари бўйича гуруҳларга ажратилади ва ўтган йил дисконт қийматида солиштирилади.

Бизга маълумки банкнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари баланснинг ҳам актив, ҳам пассив қисмида ҳам мавжуд бўлиб, уларни аудит қилиш жараёнида бир биридан фарқлай олишимиз лозим. Банкнинг ўзига тегишли бўлмаган, шунингдек сотиб олиб ва сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар банк балансининг актив қисмида акс эттирилади. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш мақсадида эмиссия қилинган қимматли қоғозлар банкнинг пассив операциялари ҳисобланиб, бевосита баланснинг пассив қисмида акс эттирилади. Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларни аудит қилиш жараёнида қимматли қоғозларнинг биржа нархларига коррективировка қилинганлиги, шунингдек улар билан боғлиқ рисклар юзасидан вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ва уларнинг қадрсизланишини

ҳисобга олган ҳолда заҳираларнинг ташкил қилинганлиги текширилади. Ушбу заҳираларни аудит қилишда ўтган йилдаги заҳирадаги колдиқ , йил давомида қимматли қоғозларнинг қадрсизланига қарши ташкил қилинган заҳира ва йил давомида ишончсиз деб қаралган воситаларнинг фарқини ҳисоблаган ҳолда ҳисобот йилидаги қадрсизланишга қарши заҳиранинг қолдиғи юзага келади. Қимматли қоғозларни қайси мижозларга тегишлилиги бўйича гуруҳларга ажратилади. Ўтган йили сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар қолдиғига жорий йилда сотиб олинган ва сотилган қимматли қоғозлар фарқи йиғиндиси натижасида жорий йилда уларнинг қолдиғи юзага келади.

Кейинги қадамда банк фаолиятини амалга ошириш учун жуда муҳим ҳисобланган асосий воситалар ва номоддий активлар бевосита аудит қилинади ва аудит жараёнида асосан қуйидагиларга этибор қилинади:

Йил бошига асосий воситаларнинг колдиқ қийматига йил давомида кирган асосий воситалар қиймати қўшилади ва йил давомида чиқиб кетганлари айрилади шунингдек ҳисобланган амортизация миқдори айрилади ва қолган амортизация миқдори қўшилади ва асосий воситаларнинг йил охири баланс қиймати юзага келади. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усули бевосита банкнинг ҳисоб сиёсатида келтирилади ва шу орқали банк асосий ва номоддий активларга амортизация ҳисоблайди ва жамғарилган амортизацияда йиғилиб асосий воситалар ва номоддий активлар колдиқ қийматидан камайтирилиб борилади.

Баланс активининг Бошқа активлар активлар моддасини аудит қилишда дастлаб уларни икки қисмга ажратамиз яъни бошқа молиявий ва номолиявий активлар

Бошқа молиявий активлар олинadиган комиссиян даромадлар суғурта компанияларидан олинadиган маблағлар йиғиндиси ва бошқа молиявий активлар қадрсизланишига ташкил қилинган қилинган заҳира билан фаркига тенг бўлади

Бошқа номолиявий активлар тўланмаган маблағлар учун таъминот , товар моддий заҳиралар олинган янги бино учун олдиндан тўлов хизматлар учун олдиндан тўлов , даромад солиғидан ташқари олдиндан тўланган солиқлар, товар моддий заҳираларга олдиндан тўлов ,банкка оид қурилмалар учун олдиндан тўлов, бошқаларнинг йиғиндиси ва номолиявий активларнинг қадрсизланишига қарши заҳиранинг фарқидан иборат.

тўланмаган маблағлар учун таъминот қисми бу бевосита ўзида муддати ўтган кредитлар таъминоти сифатида олинган кўчмас мулкдан иборат бўлиб улар узоқ муддатли активлар сифатида қаралмайди, чунки кредитни қоплаш учун сотишга йўналтирилган бўлади.

4-жадвал

ОАТБ “Ҳамкорбанк”нинг баланс активлари таҳлили*

(йил охирига нисбатан)

№	Активлар	2010йил		2011 йил		Ўзгариши (+;-)	
		Млн сўмда	улуши % да	Млн сўмда	улуши % да	Млн сўмда	улуши % да
1	Нақд пуллар ва бошқа касса харажатлари	66702,7	16,37	96386,4	18,43	29683,7	144,5
2	ЎзР Мбдаги пул маблағлари	93039,7	22,84	79625,6	15,23	-13414,1	85,6
3	Бошқа банклардаги маблағлар	5907,7	1,45	18543,7	3,55	12636	313,9
4	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар, соф	7717,8	1,89	16336,5	3,12	8618,7	211,7
4.1	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар, соф	7756,3	1,90	16378,2	3,13	8621,9	211,2
4.2	Қимматли қоғозлар бўйича эҳтимолий ёқотишларга қарши заҳиралар	38,5	0,01	41,7	0,01	3,2	108,3
5	Қайта сотиб олиш шарти билан сотилган қимматли қоғозлар	0	0,00	0	0,00	0	
6	Банкларга берилган кредитлар, соф	0	0,00	0	0,00	0	
7	Мижозларга берилган кредитлар	211036	51,80	290392,7	55,54	79356,7	137,6
8	Лизингга йўналтирилган маблағлар	0	0,00	0	0,00	0	-
9	Ҳисобланган, лукин ундирилмаган фоизлар	0	0,00	0	0,00	0	-
10	Инвестициялар, соф	0	0,00	0	0,00	0	0,0
10.1	Инвестициялар	0	0,00	0	0,00	0	0,0
11	Асосий воситалар, номоддий активлар кам баҳоли тез эскирувчи буюмлар	20177,1	4,95	19026	3,64	-1151,1	94,3
12	Келгуси давр харажатлари	445,1	0,11	571,6	0,11	126,5	
13	Бошқа активлар	2173,6	0,53	1964,2	0,38	-209,4	90,4
14	Бошқа активлар бўйича эҳтимолий ёқотишларга қарши заҳиралар	194	0,05	625,9	0,12	4319	322,7
15	Жами активлар	407393,6	100	522846,6	100	115453,1	128,3

* Манба:Жадвал муаллиф томонидан ОАТБ “Ҳамкорбанк” молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тайёрланди

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида ҳисобот йилида банкнинг жами активлари ўтган йилга нисбатан 115453,1 млн бирликка, улушда эса 28,3 % га ошган. Активларнинг ошишига асосан балансининг олди-сотди учун қимматли қўғозларнинг ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошиши, бошқа банкдаги маблағларнинг 3 баробарга, шунингдек мижозларга берилган кредитларнинг ўтган йилга нисбатан 37,6 % га ва бошқа активларнинг ошиши натижасида юзага келган

Банк балансининг мажбуриятлар қисми аудит қилинганда балансининг бошқа банкларнинг маблағлари, мижозлар маблағлари, қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қўғозлар, бошқа заём воситалари, бошқа мажбурият моддалари аудитдан ўтказилади

- Бошқа банкнинг маблағлари аудит қилинганда банкларнинг қисқа ва узок муддатга жойлаштирган маблағлари ва марказий банкдан одинган кредитлардан иборат бўлиб уларнинг қолдиқлари, шунингдек ҳисобланган фоизлари батафсил текширилади.
- Мижозлар маблағлари аудитида эса мижозлар таркиби бўйича яъни давлат ташкилотлари, бошқа юридик шахслар, жисмоний шахслар депозит маблағлари алоҳида текширилади ва ўтган йил билан таққосланади.
- Чиқарилган қимматли қўғозлар аудитида уларнинг турлари бўйича, белгиланган фоиз ставкаси ва номинали бўйича аудит қилинади. Бундай қимматли қўғозлар таркибига депозит сертификатлари ва корпоратив облигацияларни мисол қилиш мумкин
- Бошқа заём воситалари – агар банк халқаро молия ташкилотлари ҳамкорликда фоилият олиб бораётган бўлса улар олган қимматли қўғозлар бевосита шу моддада юритилади ва улар муддати бўйича таснифланади ва фоизлари ЛИБОР ставкаларига боғлиқ бўлади. Аудит жараёнида ЛИБОР ставкасини бевосита ўзгаришларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.
- Бошқа мажбуриятлар ҳам бошқа активлар каби бошқа молиявий ва номолиявий мажбуриятлардан иборат бўлиб, уларни аудит қилиш учун бевосита таркиби ўрганилиб, уларнинг ошишига ёки камайига қандай факторлар ўз таъсирини кўрсатаётганлиги ҳақида умумий хилоса қилинади. Молиявий мажбуриятлар тўланиши керак бўлган дивидендлар, қурилма ва хизматларга тўловлар, муддати кечиктирилган даромадлар ва бошқалардан иборат. Номолиявий мажбуриятлар эса кечиктирилган солиқлар даромад солиғидан

ташқари, ҳамкорлар учун ҳисобланган мукофот харажатлари ва бошқалардан иборат.

5-жадвал

ОАТБ “Ҳамкорбанк” баланси мажбуриятлари таҳлили*

(йил охирига нисбатан)

№	Мажбуриятлар	2010 йил		2011 йил		Ўзгариши (+; -;)	
		Млн сўмда	улуши % да	Млн сўмда	улуши % да	улуши % да	Млн сўмда
1	ТҚОД	142416269	34,9579	185126348	33,23	130,0	42710079
2	Жамғарма депозитлар	24349924	5,977	23902145	4,57154	98,2	-447779
3	Муддамли депозитлар	139065617	34,1354	142752929	27,303	102,7	3687312
4	Банкларнинг депозитлари	16709905	4,10166	43795408	8,37634	262,1	27085503
5	Банклараро депозитлар	0	0	0	0		0
6	Бошқа кредитлар	15448546	3,79204	32503770	6,21669	210,4	17055224
7	Фойда солиғи бўйича жорий мажбуриятлар	0	0	141347	0,02703	0,0	141347
8	Сотиб олиш шарт билан сотилган қим. қўғозлар	13390803	3,28695	16780276	3,20941		3389473
9	Бошқа пасивлар	2310015	0,56702	2616699	0,50047	113,3	306684
10	Жами мажбуриятлар	353391079	86,744	447618922	85,612	126,7	94227843

Жами мажбуриятлар баланс жамиининг ўтган йили 86.7 % ини ташкил қилган бўлса, жорий йилда эса 85.6 % ни ташкил қилган. Шунингдек талаб қилиб олингунча депозитлар ўтган йилга нисбатан 30% га , банкларнинг депозитлари 2.5 баробарга , бошқа кредитлар миқдори 2 баробарга ошиши натижасида ҳисобот йилида мажбуриятлар ўтган йилга нисбатан 26.7 % га ошган, аммо баланс жамида тутган улуши ўтган йилга нисбатан 1.3 % га камайган.

Тижорат банкларининг капиталини аудитида капитал етарлигига, Марказий банк томонидан ўрнатилган капитал меъёрларига амал қилинганлиги ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлигига этибор қилинади. Капитал аудити жараёнида Марказий банк ўрнатган капитал меъёрларига амал қилиш лозим, яни Умумий капитал рискка тортилган активларнинг минимум 10 % ини ташкил қилиши , I даражали капитал

* Манба: Жадвал муаллиф томонидан ОАТБ “Ҳамкорбанк” молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тайёрланди

рискка тортилган активларнинг минимум 5 % ини ташкил қилиши , шунингдек I даражали капитални умумий активлар суммасидан номоддий активлар ва гудвил фарқига нисбати минимум 0,06 коэффициент (Ливераж коэффициент)ни ташкил қилиши текширилади. Ушбу коэффициент фойдадан қанча миқдорни капиталга қўшиш кераклигини ифодалайди. Агар Ливераж коэффициент 0,15 га тенг бўлса фойдадан 30 % капиталга қўшилади, шунингдек 0,15 ва 0,30 оралиғида бўлса фойдадан 20 % , 0,30 дан юқори бўлган ҳолатда фойданинг 10 % ини капиталга қўшиш керак бўлади. Капиталнинг оширилишига ўтказилган маблағлар “Умумий мақсадларга захира фонди” баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Халқаро миқёсда капитал етарлилиги Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва янгиланиб, такомиллаштирилади. Банкнинг умумий капитали устав капитали, қўшимча капитал, захира капитали, ташкил қилинган мақсадли жамғармалар, тақсимланмаган фойдадан иборат бўлади. Устав капитали муомалага чиқарилган оддий ва имтиёзли акциялардан ташкил топган. Устав капитали аудити жараёнида умуман ва жорий йилда муомалага чиқарилган оддий ва имтиёзли акциялар сони, номинал нархи, шунингдек сотилган нархлари бевосита аудит қилинади. Ушбу акцияларнинг бирламчи бозордаги қиймати номиналидан юқори сотилса қўшимча капитал юзага келади. Соф фойдадан турли хилдаги мақсадли жамғармалар ташкил қилинади. Банк фаолияти натижаси сифатида тақсимланмаган фойда юзага келади.

Капитал аудити жараёнида регулятив капитал таркиби текширилади. Регулятив капитал I ва II даражали капиталдан таркиб топган бўлиб, II даражали капитал I даражали капиталдан ошмаслиги лозим. I даражали капитал:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялар,
- б) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар.

в) қўшимча капитал

д) тақсимланмаган фойда:

- капитал захиралар;
- аввалги йиллар тақсимланмаган фойдаси;
- жорий йил зарарлари.

е) **девальвация захирасидан таркиб топган.**

II даражали капитал эса:

- а) жорий йилдаги соф фойда;
- б) умумий захира (I даражали капиталдан ошмаган миқдорида)
- с) субординат қарз

Д) аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали тавсифларини ўз ичига олган воситаларнинг I даражали капиталдан ошмаган миқдори) дан иборат.

Ушбу моддалар ҳар бири алоҳида текширилади ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда бажарилганлигига ҳулоса қилинади

6-жадвал

ОАТБ “Ҳамкорбанк” нинг Акциядорлик капитали таҳлили*

(йил охирига нисбатан)

№	Акциядорлик капитали	2010 йил		2011 йил		Ўзгариши (+;-)	
		Млн сўмда	улуши % да	Млн сўмда	улуши % да	Млн сўмда	улуши % да
1	Утав капитали Шу жумладан:	26254	6,44	31153	5,96	4900	118,7
1.1	Оддий акциялар	24611,5	6,04	29511,5	5,64	4900	119,9
1.2	Имтиёзли акциялар	1642,5	0,41	1642,5	0,31	0	100,0
2	Қўшилган капитал	1173,1	0,29	1309	0,25	135,9	111,6
3	Қайтиб сотиб олинган акциялар	0	0	0	0	0	
4	Йиғилган соф фойда ва фойдалар	0	0	0	0	0	0,0
5	Таксимланмаган фойда	26575,4	6,52	42764,7	8,18	16189,3	160,9
6	Жами акциядорлик капитали	54002,5	13,26	75227,7	14,39	21225,2	139,3

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида Акциядорлик капиталининг баланс жамида тутган улуши ўтган йили 13.26 % ни ташкил қилган бўлса, жорий йилда эса 14.39 % ни ташкил қилган. Акциядорлик капитали ўтган йилга нисбатан жорий йилда 39.3 % га

* Манба:Жадвал муаллиф томонидан ОАТБ “Ҳамкорбанк ” молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди

ошган. Бу асосан оддий акцияларни ўтган йилга нисбатан 19.9 % га ошиши, шунингдек тақсимланмаган фойданинг 60.9 % га ошиши натижасида юзага келган.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни аудаит қилишда банк даромадлари ва харажатлари вужудга келиш тартиби, соф фойданинг шаклланиши ва унинг тақсимланиш жараёнини аудит қилишдан иборат. Банкнинг молиявий натижалари шаклланиш тартиби:

Фоизли даромад – фоизли харажат = соф фоизли даромад

Фоизсиз даромад+ – фоизсиз харажат-операцион харажатдар= соф фоизсиз даромад

Соф фоизли даромад +соф фоизсиз даромад= Солиқ тотилгунга қадар даромад

Солиқ тотилгунга қадар фойда –солиқлар ва бошқа йиғимлар=соф фойда

Банкнинг даромадлари ва харажатларининг ҳар бир моддаси бўйича синфларга ажратилади. Қайси омиллар таъсирида даромад ва харажатлар ошган ёки камайганлиги текширилади ва изоҳ тарзида келтирилади

Солиқлар ва бошқа йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида амалга оширилади. Тижорат банклари 2010 йилдан бошлаб фойдадан солиқ тўлайди ва 2012 йилда фойдадан солиқ ставкаси 15 % қилиб белгиланди. Бундай белгилашдан асосий сабаб банклар асосий фаолияти бўйича қўшилган қиймат солиғи тўламайди. Фойда солиғини ҳисоблаш учун солиқ тўлангунга қадар фойда - фойда солиғининг базаси бўлиб унга нисбатан ставка қўлланади ва натижада фойда солиғи суммаси юзага келади шунингдек солиқ солиш базасини кўпайтирмайдиган даромад ва харажатларга оид тузатишлар моддасидаги ҳисобланган сумма билан ҳисобланган фойда солиғи ўртасидаги фарқ жорий йилда тўланиши лозим бўлган фойда солиғи юзага келади. Шунингдек солиқ тўловлари бўйича фарқлар юзага келганда улар муддати кечиктирилган солиқлар моддасида сақланади.

ОАТБ “Ҳамкорбанк” фойда ва зарарлар ҳисоботи таҳлили*

(йил охирига нисбатан)

Молиявий натижалар	2010 й	2011 й	улушда фарқи	мутлоқ фарқи
Фоизли даромад	44499,4	56137,5	26,15	11638,1
Фоизли харажат	21498,1	24671,3	14,76	3173,2
Соф фоизли даромад	23001,3	31466,2	36,8	8464,9
Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини баҳолаш	1455,4	1471,3	1,092	15,9
Резервни баҳолаш чиқарилгандан сўнг қоладиган соф фоизли даромад	21545,9	29994,9	39,21	8449
Фоизсиз даромадлар	28500,3	37803,2	32,64	9302,9
Хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар	33817,4	44588	31,85	10770,6
(Хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар)	6464,8	8067	24,78	1602,2
Валюта операцияларидан олинган фойда (зарар)	421,6	284,9	-32,42	-136,7
Дивидендлар кўринишидаги даромад	230	524,7	128,1	294,7
Инвестициялардан олинган фойда (зарар)		216,2		216,2
Инвестициялар зарарига қарши резервлар	7	14,8	111,4	7,8
Бошқа активлар зарарига қарши резервлар	124,6	468,3	275,8	343,7
Бошқа операцион даромадлар	627,7	1171,9	86,7	544,2
Операцион харажатлар	36001	47980	33,27	11979
Солиқ тўлангунга қадар фойда	14037,5	20258,1	44,31	6220,6
Солиқ ва башқа мажбурий тўловлар	202,3	510,9	152,5	308,6
соф фойда	13835,2	19747,2	42,73	5912

* Манба:Жадвал муаллиф томонидан ОАТБ “Ҳамкорбанк ” молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди

Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, банкнинг жорий йилда соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 5912 млн бирликка, улушда эса 42,7 % га ошган. Бунга фоизли даромадларнинг ўтган йилга нисбатан 26,1 % га, фоизсиз даромадларни эса 32,6 % га, яъни 9302,9 млн бирликка ошиши натижасида юзага келган. Аммо даромадларнинг ошиши билан бир пайтда харажатлар ҳам мос равишда кўпайган. Жумладан фоизли харажатлар ўтган йилга нисбатан 14,8 % га, операцион харажатлар эса 33,3 % га, мулоқ суммада эса мос равишда 3173,2 ва 11979 млн сўмга ошган .

Ундан кейин акцияга тўғри келадиган фойда, эълон килинган дивидендлар конун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилади. Филиаллар ва Бош банк қилган даромад ва харажатлари бўйича сегментли (қисмлар) таҳлил амалга оширилади. Молиявий рискларни бошқариш, шартли мажбуриятлар бўйича амалий таҳлилий жараёнлар олиб борилади ва молиявий инструментларнинг ҳақиқий (ҳисобот йилидаги баланс) қиймати юзасидан ўтган йил билан солиштирилган ҳолда 2- босқич ташқи аудиторлик текшируви босқичи ўз ниҳоясига етади.

2.3 Ташқи аудит хулосаси, унинг аҳамияти ва турлари

Ташқи аудиторлик текшируви тугагандан сўнг, 3- босқич аудиторлик текшируви натажаларини бирлаштириш ва умумлаштириш босқичи бошланади. Ушбу босқичдаги асосий мақсад аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузишдан иборат.

Банкларда молиявий йил якунлари бўйича ўтказиладиган аудиторлик текширувлари ҳисобот йили тугаганидан кейинги йилнинг 20 апрелига қадар тўлиқ якунланиши шарт.

Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари якунлангач, ўн кун муддат ичида аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси, шунингдек аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган банкнинг молиявий ҳисоботларининг асл нусхалари банк томонидан Марказий банкка давлат тилида ва рус тилида тақдим этилиши лозим*.

Аудиторлик ҳисоботи – тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир.

4- чизма

Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши*



* Манба: Марказий банк бошқарувининг 743- сонли “Ҳисобот йили якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблари”

* Манба: чизма муаллиф томонидан тайёрланди 70- Аудиторлик фаолияти Миллий Стандарти (АФМС) асосида

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чиқиши шарт. Аудиторлик ҳисоботи буюртмачининг барча зарурий реквизитларини кўрсатган ҳолда аудиторлик текшируви буюртмачисига юборилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясининг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида АФМСга асосланган ҳолда, куйидагилар бўлиши шарт:

- ҳўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолатини текшириш натижалари;

- молиявий ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Хўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизими ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

- аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган, ички назорат тизими ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий мос келмасликлари баёни.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш, аудиторлик текшируви давомида аниқланган, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузишлар баёнини ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий – ҳўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этилишини текшириш натижаларини тўғрисидаги ахборот куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;
- аудиторлик текшируви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий – хўжалик операцияларининг қонунчиликка жиддий мос келмасликлари баёни;

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотда - тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси ва солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиққа тортиладиган базасини белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни акс эттирилган бўлиши лозим

Активлар бутлигини текшириш натижалари активлар инвентаризациясига асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва қоида бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий – хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўз ичига олиши керак.


Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдаланишга рухсат этилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик хулосаси – молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифоладаланган ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик хулосасининг (4-илова) 4 хил тури мавжуд ва улар қуйидаги чизмада келтирилган:

Ташқи аудиторлик хулосаси турлари*



Изоҳсиз (ижобий) фикр — банк молиявий ҳисоботи бар-ча жиҳатлари билан Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган бўлади. Шунингдек банк бухгалтерия тамойиллари, халқаро стандартда тузилган ҳисоб сиёсатига қатий равишда амал қилган бўлиши шарт.

Изоҳли фикр — айрим сабаблар изоҳли фикр билди-ришга таъсир кўрсатса-да, молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган. Аудитор бу сабабларни кўрсатади ва уларнинг молиявий ҳисоботларга кўрсатган таъсирини изоҳлаб беради. Банкнинг маълум фаолиятида камчилик юзага келганда, унга доир тушунтириш ва изоҳлар келтирилади.

Ёмон фикр – молиявий ҳисоботлар Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилмаганда билдирилади. Бунда банкнинг ҳисоб сиёсати, бухгалтерия тамойиллари, банкнинг амал қилиши лозим бўлган меъёрий кўрсаткичларига амал қилмаган ҳолатда

* Манба: Чизма муаллиф томонидан тайёрланди www.auditor.uz маълумотлари асосида

берилади. Аудитор бу ҳолда ўзининг барча ёмон фикрлари сабабларини кўрсатиши

Фикр билдиришдан воз кечиш — бу ҳолда аудитор молиявий ҳисоботга фикр билдириш учун аудитни етарлича тўла ҳажмда амалга оширмаган бўлади, яъни банк аудитни сифатли ўтиши учун бевосита аудиторларга барча керакли бўлган маълумотларни тақдим қилиши лозим бўлади. Шундай ҳол юзага келганда ёки банкнинг молиявий ҳисоботлари умуман халқаро стандарт талабларига жавоб бермаса, аудитор фикр билдиришдан воз кечиш мумкин. Бу ҳолда аудитор аудитнинг нега халқаро стандартларга мувофиқ келмас-лиги сабабларини кўрсатиши талаб этилади.

Аудиторлик хулосаси таркиби ҳақида фикр юритадиган бўлсак, у бевосита қуйидаги элементларни ўз ичига олади.

6-чизма

Аудиторлик хулосаси элементлари*



* Манба: чизма муаллиф томонидан тайёрланди 70- Аудиторлик фаолияти Миллий Стандарти (АФМС) асосида

Аудитор хулоса тузиш жараёнида ушбу элементларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталади. Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосаси шаклининг бир хиллигига риоя қилиши керак.

Аудиторлик хулосаси 3 қисмдан , яъни кириш , таҳлилий қисм ва якуний қисмдан иборат бўлади:

7-чизма



Хулосанинг таркиби ва уни ташкил қилувчи элементларга алоҳида тўхталиб ўтаммз.

Аудиторлик хулосасида мурожаатнома (адресат) қисмида аудиторлик текширувининг буюртмачисига йўлланиб, буюртмачининг барча зарурий реквизитлари кўрсатилиши керак

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қуйидаги реквизитларини ўз ичига олиши керак:

- аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлари;
- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгалик тўғрисидаги лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензия берган органнинг номи;
- аудиторлик ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами;

* Манба: чизма муаллиф томонидан тайёрланди 70- Аудиторлик фаолияти Миллий Стандарти (АФМС) асосида

- аудиторлик ташкилотининг ҳисоб китоб рақами;
- аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар)нинг, шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми. Кириш қисмида сана ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилиши керак. Кириш қисмида қуйидагилар инобатга олинishi керак: хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар; аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъект молиявий – хўжалик фаолиятини натижаларига мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Таъкидлаш қисмида аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек, молия хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланиши кўрсатилиши керак. Таъкидлаш қисмида аудиторлик текшируви фикрини ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи берилиши керак.

Таъкидлаш қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Текширилаётган тижорат банки бўйича умумий маълумотлар
- тижорат банкининг тўлиқ ва қисқартирилган номланиши;
- тижорат банкининг Марказий банкдан олинган лицензиянинг санаси ва рақами;
- тижорат банки акционерлар умумий йиғилишида қайси аудиторлик фирмаси томонидан аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳақида тасдиқланган баённома муддати ва номери билан кўрсатилади
- аудиторлик фирмаси томонидан текширилаётган филиаллар ва бўлимлар рўйхати.

2. Тижорат банкнинг банк операцияларини ўтказиш бўйича уларнинг мавжуд қонун ва йўриқномалар доирасида эканлиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати.

- Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларни бажариш;
-бошқарув сифати;
- ички назорат ҳолати ва бошқалар.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тижорат банкининг молия йили фаолиятини бўйича аудиторнинг

фикри

ёки

шархлари;

- яқуний қисмида хулосаларнинг бир тури келтирилади

Банкда ўтказилган аудиторлик текшируви яқунлари бўйича Аудиторлик ташкилоти банк Кенгашига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

а) аудиторлик ҳисоботи, банкнинг баланс, фойда ва зарарлар ҳисоботи ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлари бўйича ҳолис аудиторлик хулосаси;

б) ички аудитнинг аҳволи тўғрисида алоҳида ҳисобот;

в) аудиторлик текшируви давомида аудиторлар томонидан тайёрланган бошқа ҳисоботлар;

г) зарур бўлган ҳолларда, бухгалтерия ўтказмаларига тааллуқли иш ҳужжатларининг нусхалари.

д) бухгалтерия ҳисобидаги барча ноаниқликлар, банк фаолиятидаги камчиликлар, банк активлари ва пасивларини бошқариш, унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни баҳолаш билан боғлиқ аудиторлик тавсияларини ўз ичига олган банк раҳбариятига алоҳида хат;

Аудиторлик текширувини ўтказмасдан тузилган ёки аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилган, лекин аудиторлик текшируви давомида аудиторлар олинган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳужжатлари мазмунига мувофиқ келмайдиган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан ёлғон тузилган ҳисобот ва хулоса деб ҳисобланади

Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини қасддан ёлғон тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Хўжалик юритувчи субъект билан аудиторлик ташкилоти ўртасида юзага келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Банклар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1419, 2004 йил 25 октябрь) асосан банклар аудиторлик текшируви тугаллангандан сўнг 10 кун ичида аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган молиявий ҳисоботлар тўпламини матбуотда чоп этилишини таъминлашлари ва уч кун муддат ичида Марказий банкка ушбу нашр нусхасини тақдим этишлари шарт.

Шу тарзда банкларни йилда бир марта мажбурий ташқи аудитдан ўтказиш босқичлари яқун топади

III боб Тижорат банкларида ташқи аудит текширувини ўтказишнинг такомиллаштириш йўллари

Республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банklar фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини тубдан ўзгартириш, банк фаолиятини ташкил этилишини умум қабул қилинган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлаш мақсадида Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банklarининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банklarнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган ва алоҳида банklar ва бутун банк тизимининг бутун жаҳонда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичларининг янада юқори даражасига чиқиш йўлидаги илгарилашларини ҳолисона баҳолаш имкониятини берувчи халқаро меъёр, мезон ва андозалар асосида тижорат банклари фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш, молия-банк фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаларини янада такомиллаштириш, давр талаблари ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ва норматив ҳужжатларни қабул қилиш, тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботнинг замонавий технология ва услубларини янгича ёндошувларини шакллантириш ва жорий этиш, молия-банк ахборотлари сифат даражасини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг фойдаланиш

имкониятларини яратиш, республика тижорат банклари ва молия институтларини бутун жаҳонда қабул қилинган андозалар, услублар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, мукаммал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришлар бевосита амалга оширилиши лозим.

Юқоридаги бобда биз бевосита ташқи аудит босқичлари ва текширув жараёни билан танишиб чикдик. Шулардан келиб чиққан ҳолда биз тижорат банкларида ташқи аудитни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўларди

Республикамизда аудиторлик фаолиятини шу жумладан банкларда аудит муносабатларини тартибга солиб турадиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўпламининг вужудга келтирганигича қарамай, умуман аудитни, хусусан банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга айрим қўшимчалар ва тўлдиришлар киритиш зарурияти туғилмоқда. Биринчидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисобот йили яқунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблари бандларига аудитни янада сифатли ўтказишни таъминлашга доир қўшимча талаблар киритиш яъни банкнинг бошқа даромадлар ва бошқа харажатлар таркиби ва унинг шакллашини текшириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хориж тажрибасига таянган ҳолда банкларнинг капитали ва активларига

бўлган Базел қўмитасининг 2010-йил сентябр ойида қабул қилинган Базел III талабларига мослаштириш бўйича чора тадбирларни белгилаш лозим. Ўз навбатида банк аудиторлари капитални аниқлаш, активларнинг риск даражалари бўйича гуруҳлаш, риск турлари бўйича ўз дастурларига ўзгартиришлар киритишлари лозим.

Миллий стандартларни Халқаро стандартларга мослаштириш ва ўз навбатида банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш хусусиятларини мужассамлаштирган махсус стандартларни ҳам ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу махсус стандартлар банк аудити жараёнини тартибга солади. Мақсад ва вазифаларни белгиловчи қоидаларни ишлатиш ва қабул қилиш, фаолият билан қизиқувчилар ва фойдаланувчиларга тўғри йўналиш беради. Бу банк аудити жараёнининг кейинги ривожланиши ва риск даражасини минималлаштириш имконини беради. Бу қоидаларни қабул қилиш билан бирга тижорат банклари аудитининг услуб ва мақсадлари аниқланади.

Аудитни ўтказиш жараёнини тезлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан аудиторлик текширувини дастурий таъминот орқали бажаришни йўлга қўйиш яъни автоматлаштирилган тизим ташкил қилиш. Бунда дастурий таъминотни яратиш ва ўргатиш бевосита махсус тайёров курслари Марказий банкда жорий қилинади, қўшимча иш ўринлари юзага келади, янги қонунчиликка ўзгартиришлар ҳам бевосита шу дастурий таъминотда акс эттирилса мақсадга бўларди.

Аудиторлар томонидан тижорат банларида ташкил қилинган корпоратив бошқарувнинг қай даражада ташкил этилгинлигига баҳо бериш, камчиликларни батафсил ўрганган ҳолда алоҳида банкнинг корпоратив бошқаруви тўғрисида алоҳида ҳисобот тузиш. Корпоратив

бошқарув аудити жараёнида асосан ходимлар ҳолатига (уларнинг ойлик иш ҳақи даражасига, ходимларни ёши ва малакаси жиҳатларига, қўнимсизлик коэффицентга) юқори даражада эътибор қаратиш;

Бизнинг фикримизча банкларда аудиторлик текширувининг якуний босқичи бўлиб ҳисобланган молиявий таҳлил ўтказиш учун шакллар ишлаб чиқилишини тавсия этамиз. Тижорат банкларининг ҳисоботи ҳар хил манбалардан олинган маълумотлар базаси бўйича ўрганилади. Ушбу шакл ҳар чоракда ўзгартирилиши керак бўлган бир неча йиллик маълумотларни ўзида жамлаши лозим. Бу маълумотлар коэффицентларда, фоизда ва сумда тақдим этилади. Маълумотлар банк томонидан тайёрланган банк ҳолати ва даромадлари тўғрисидаги ҳисоботдан олинади. Ҳар бир ҳисобот ўз гуруҳига доир ўртача маълумотларга ва таққослаш учун фоиз таснифларига эга. Ҳисобот банкнинг жорий ҳолатини ва бир хил банклар гуруҳи билан таққослаш имконини бериши лозим. Бухгалтерия ҳисоботларини таҳлил қилиш мобайнида текширувчилар қўшимча таҳлил қилиш ва ўрганишни талаб этувчи фактларни юзага чиқариш қобилиятига эга бўлиши лозим. Банкнинг активлари, мажбуриятлари ва капитали таркибидаги ўзгаришларни ўрганишда ва банк фаолиятидаги салбий ўзгаришларни аниқлашда бир неча йиллик фоиз кўрсаткичларини таққослаш самарали усул ҳисобланади. Бу банк бошқаруви самарадорлигини оширишга ва банк молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга жуда катта ёрдам беради. Банклар қаерда жойлашганлигига(юқори даражада саноатлашган ишлаб чиқариш марказида ёки аксинча) қараб ва охириги чорак ҳолатига активларининг ўртача суммаси бўйича маълум тоифаларга киритилади.

Ҳисоботдаги банк тўғрисидаги маълумотлар - даромадларнинг тўғрилигини, ликвидлигини, капитални, актив ва менежмент

мажбуриятларини, ўсиш режаларини баҳолашда қўшимча маълумот сифатида ишлатилиши мумкин. Банкир ва аудиторлар бу ҳисоботларни банк молиявий ҳолатини ўрганиш учун ишлатилиши мумкин. Бу уларга банк бошқаруви қарорларини режалаштиришнинг самаралироқ бўлишини таъминлайди. Бундай ташкил этилган маълумотлар усули актив ва пасивлар балансининг фоизли муносабатини акс эттиради. Бу бошқарув фаолияти ва келгусида банкнинг стратегиясини янада яхшироқ аниқлаб олиш имконини беради .

Аудиторлик фаолияти миллий стандартларига аудиторлик хулосасининг халқаро стандартлардаги турларини яъни мустақил аудиторнинг ижобий хулосаси, мустақил аудиторнинг шартли ижобий хулосаси, мустақил аудиторнинг шарҳли хулосаси, мустақил аудиторнинг тушунтириш бандли ижобий хулосаси ва салбий хулоса қўшимча сифатида киритиш

Ташқи аудитнинг янада такомиллашиб бориши бевосита банкка бўлган ишончсизликни камайтиради, банк фаолияти ёрқинлиги , шаффофлигини таъминлайди, шунингдек тижорат банкларини халқаро стандарт талабларига жавоб беришга ундайди. Бундай шароитда аҳоли ва инвесторларнинг банкка бўлган ишончи ортади, натижада банкдан ташқари айланадиган пул маблағлари ҳажми камаяди ва бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизни янада мустаҳкам бўлишига сабаб бўлади

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бозор муносабатларининг тобора эркинлашуви шароитида турли хил мулкчилик шаклидаги иқтисодий субъектлар, хусусан тижорат банклари фаолиятида ҳисоб юритиш шакли ва усуллари такомиллашиб бормоқда. Бунда, мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб қилиш мақсадида халқаро талабларига жавоб берадиган молиявий ҳисобот тизимини шакллантириш бунга ёрқин мисол бўла олади.

Банкларни аудит қилишда асосий вазифалардан бири молиявий фаолиятни ва бошқарув сифатини тўла таҳлил қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга охириги йилларда банк кредит портфели сифатида ўзгаришларни аниқлаш банк бошқарувчиларининг ликвидлилик, ишончлилик ва даромадлилик кўрсаткичларини таъминлаш қобилиятини аниқлашга имкон беради. Банк молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар банк баланси ва балансдан ташқари моддаларидаги актив ва пасивларига боғлиқ ликвидлилик, тўлов қобилияти ва рисклар билан қизиқадилар.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хориж тажрибасига таянган ҳолда банкларнинг капитали ва активларига бўлган Базел қўмитасининг 2010-йил сентябр ойида қабул қилинган Базел III талабларига мослаштириш бўйича чора тадбирларни белгилаш лозим. Ўз навбатида банк аудиторлари капитални аниқлаш, активларнинг риск даражалари бўйича гуруҳлаш, риск турлари бўйича ўз дастурларига ўзгартиришлар киритишлари лозим.

2. Миллий стандартларни Халқаро стандартларга мослаштириш ва ўз навбатида банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш хусусиятларини мужассамлаштирган махсус стандартларни ҳам ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу махсус стандартлар банк аудити жараёнини тартибга солади. Мақсад ва вазифаларни белгиловчи қоидаларни ишлатиш ва қабул қилиш, фаолият билан қизиқувчилар ва фойдаланувчиларга тўғри йўналиш

беради. Бу банк аудити жараёнининг кейинги ривожланиши ва риск даражасини минималлаштириш имконини беради. Бу қоидаларни қабул қилиш билан бирга тижорат банклари аудитининг услуб ва мақсадлари аниқланади.

3.Аудиторлик фаолияти миллий стандартларига аудиторлик хулосасининг халқаро стандартлардаги турларини яъни мустақил аудиторнинг ижобий хулосаси, мустақил аудиторнинг шартли ижобий хулосаси, мустақил аудиторнинг шарҳли хулосаси, мустақил аудиторнинг тушунтириш бандли ижобий хулосаси ва салбий хулоса қўшимча сифатида киритиш

4. Аудитни ўтказиш жараёнини тезлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан аудиторлик текширувини дастурий таъминот орқали бажаришни йўлга қўйиш яъни автоматлаштирилган тизим ташкил қилиш. Бунда дастурий таъминотни яратиш ва ўргатиш бевосита махсус тайёров курслари Марказий банкда жорий қилинади , қўшимча иш ўринлари юзага келади, янги қонунчиликка ўзгартиришлар ҳам бевосита шу дастурий таъминотда акс эттирилса мақсадга бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25- апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26- майда қабул қилинган “Аудиторлик Фаолияти Тўғрисида” Қонуни (янги таҳрири)
4. "Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.1996 й. ПФ-1500-сон Фармони)
- 5.“Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли Қарори
6. “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ПҚ-907-сонли Қарори
7. “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида “ги Ўзбекистон республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли Қарори
8. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарори
9. Каримов И. А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.” –2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
10. Каримов И.А “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир.” – Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

11. Каримов И.А. “Банк тизими ,пул муомаласи,кредит,инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”// Тошкент “Ўзбекистон” Нашриёт-матбаа ижодий уйи 2011 й.

12. Каримов И. А. “ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” - 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

13. Каримов И.А. „Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.2009.

14.Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида Низом (Янги тахрирда)(Адлия Вазирлигида 04.11.2000 й. N 982 рақам билан рўйхатга олинган, Марказий банк томонидан 20.06.2000 й. N 403 сонли қарор билан тасдиқланган.)

15. "Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан кўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 22 декабрда 992-рақам билан рўйхатга олинган)

16. Тижорат банклари капиталининг етарлилигига кўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида (ЎзР АВ 14.05.2002 й. 949-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МБ 20.04.2002 й. 9/19-сон Қарори)

17. Ўзбекистон Республикасидан банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқнома (Марказий банк бошқарувининг 12.10.2002 й. N 520 (23/6) сонли қарори билан тадиқланган, Адлия Вазирлигида 14.01.2003 й. N 1200 сон билан рўйхатдан ўтган)

18.Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активлар бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Йўриқнома (Марказий банк 12.10.2003 й. N 519 (23/8) қарори, АВ 14.01.2003 й. N 1199 билан рўйхатга олинган)

19.Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Йўриқнома (Марказий банк бошқарувининг 27.11.2004 й. N 25/8 сонли қарори билан тадиқланган, Адлия Вазирлигида 17.12.2004 й. N 1434 сон билан рўйхатдан ўтган)

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган) "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси" (янги таҳрир)

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий Ҳисоботларига Ҳўйиладиган талаблар тўғрисида НИЗОМ (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 25.10.2004 й.да 1419-сон билан рўйхатга олинган Марказий Банки бошқарувининг 02.10.2004 й.даги 582 (21/1)-сон қарори билан тасдиқланган)

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2009 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 21 ноябрдаги 33-А/2-сонли қарорига илова)

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2010 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34-А/2-сонли қарорига ИЛОВА №722)

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2011 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34-А/1-сонли қарорига ИЛОВА № 743)

25. Муйдинов. Б.Н. «Банк муассасаларида аудит» Тошкент , 2004 й

26. Василенко А. Стандарты аудита. Изучайте и внедряйте. - Ростов н/Д.: Феникс. 2006. – 408 с.

27. Иванав А. А. “Внешний аудит как элемент банковского надзора. Бухгалтерия и банки” Москва, 2000 й.

28. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Халқаро аудит тизими. – Т.: Iqtisod-moliya. 2007. – 156 б.

29. Наврўзова К . Н. “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника” ўқув қўлланма Тошкент, “Иқтисод- Молия” 2010 й.

30.Международные стандарты аудита. Проект по развитию предпринимательства. – Т.: USAID. 2004. – 192 с.

31. Норқобилов.С., Абдусаломова О. “Банкларда аудит” Тошкент; “Маънавият” 2005

32.Шешукова Т.Г. Аудит: теория и практика применения международных стандартов: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика. 2005. – 179 с.

33. Косимов Х., Югай Л., Хошимова А., Пардаев Б., Абдуназаров Б. Аудиторлик фаолияти буйича услубий кўлланмалар тўплами./.-Тошкент, 2010.-320 б.

34.Аудитор. Журнали – М.: “Русский журнал”. 2006-2011 йиллар.

35.Бухгалтерский учет. Журнал.- М.: 2006-2011 гг.

36.Аудитор. Газета-Т.: 2010-2011

Интернет Сайтлари

www.cbu.uz

www.auditor.uz

www/tfi.uz

<http://ru.wikipedia.org>

<http://www.optim-audit.ru/vneshniie-i-vnutrenniie-audit.html>

www.uzreferat.ucoz.net/load/tashqi_audit

<http://www.bis.org/bcbs/basel3.htm>

СЕРТИФИКАТ

банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини беради

№ _____

Бу сертификат берилди аудиторлик ташкилотига (фирмасига)

(тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли,

давлат регистацияси ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланига лицензия
маълумотлари),

банкларда аудиторлик теширишни ўтказишга рухсат берилди.

Сертификат аудиторлик ташкилотида камида икта Марказий банк томонилан
берилган банкларда аудиторлик текширувини олиб боришна зуқуқ берадиган
сертификатга эга бўлган аудиторлар бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотига берилган Сертификат Марказий банк реестрига №
_____ от _____ 200_ йилда киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк, банк аудитининг комиссия раиси
(имзо)

Берилган сана. Мухр.

КВАЛИФИКАЦИЯ СЕРТИФИКАТИ

банкларда аудиторлик текширувини утказиш ҳуқуқини беради

№ _____

Бу квалификация сертификати аудитор

(аудиторнинг фамилияси, исми, шарфи,

квалификация сертификатининг руйхатга олинган раками ва санаси)

шу сертификат берилган санадан бошлаб банкларда аудиторлик текширувларини утказишга рухсат берилади. Сертификат Марказий банк реестрига № ____ от _____ 200_ йилда киритилган ва берилган вақтдан бошлаб беш йил давомида ҳақиқий деб ҳисобланиди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк, банк аудитининг комиссия раиси
(имзо)

Берилган сана. Мухр.

**Ўзбекистон Республикасидаги Аудиторлик ташкилотларининг
фаолияти рейтинг 31.12.2010 йил ҳолатдаги¹**

№	A1 (65 баллдан юкори)	A2 (55 баллдан 65баллгача)	B1 (45 дан 55 баллгача)	B2 (35 дан 45 гача баллгача)	C1 (25-35 баллгача)	C2 (25 баллдан паст)
1	ДАП PriceWaterHouse Coopers	ООО Arhat Audit	ООО Аудит-Варн	ООО Himoya Audit	ООО Samimiy-Hulosa	ООО Xorazm-Adolat-Audit
2	ООО Deloitte va Touche	ООО Audit Income	ООО Fineks	ООО Trans-Audit-A	ООО Amir-Audit	ООО Audit MAXIMA
3	ООО Ernst&Young	ООО SATA-AUDIT	ООО Tri-S-Audit	ООО Amulet-Audit	ООО AUDITUmmon	ООО Hombur-Audit
4	ООО FTF-Audit	ООО Trast-Audit	ООО TTT-Audit	ООО For-tis Audit	ООО Vodiy-M	ООО Iqtidor-Audit-Inform
5	ООО Holis Guruh (Grant Thornton)	ООО ZORG	ООО Global Audit	ЧП Audires	ООО DJAALI	ООО Elite Invest Audit
6	ООО Buxgalter-Audit	ООО AUDIT-KIM	ООО Kons-AuditInform	ООО Ekoaudit	ООО Vojib Audit	ООО Audit As
7	ООО Tsiar-Finans	ООО Liga audit	ООО Marhamat-Audit	ООО Audit-Rumans		ООО Termiz-Audit
8	ООО Marikon-Audit	ООО KonsAudit-Adolat	ООО Gloriya-Audit	ООО Javlon Audit Servis	ООО AUDIT-Ummon	ООО Sam Kelajak Audit
9	ООО Dok-Audit		ООО Audit Global Ma'lumot	ООО Kafolat-Lyuks	ООО Asl moliya taxlil	
10	ООО Mak-Alyans-Audit		ООО Korifey Audit	ООО Kafolat-Lyuks	ООО Kamila Azim Audit	
11	ЧАП Audit		ООО Ziyos-Audit	ООО Lek-saninfo	Business Audit today	
12	ООО Impuls-Audit		ООО Qashqadaryokons auditinform	ООО Zamin Oil Audit	ООО Business Audit today	
13	ООО AUDIT-SERVICES-LTD		ООО Odil Audit	ООО Komillshonch	ООО Sharqiy Maslak	
14	ООО TAT-AUDIT		ООО Osiyo-Audit	ООО DAVR	ООО Standard-Audit	
15	ООО Maslahat-Harakat		ООО Audit-Kanon	ООО Nazorat Audit	ООО LII MRO	
16			ООО Erkin-Audit XXI	ООО Diplommat Audit		
17			ООО IFAT-Audit	ООО PROM AU-DIT		
18			ООО KK Audit Servis	ООО VER AUDIT		

¹ Манба: http://norma.uz/publish/doc/text62974_reyting_deyatelnosti_auditorskih_organizaciy_po_itogam_2010_goda



МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛАРНИНГ ХУЛОСАСИ

«Ҳамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки Акциядорлари ва Бошқарувига

1. Биз «Ҳамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг (кейинги матнда - «Банк») илова қилинаётган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувини амалга оширдик. Унга 2011 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолат тўғрисидаги, юқорида кўрсатилган санада яқунланган йил учун ялпи даромад тўғрисидаги, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ва пул маблағларининг ҳаракатланиши тўғрисидаги ҳисоботлар (кейинги ўринларда - «молиявий ҳисобот»), шунингдек ҳисоб сиёсатининг асосий тамойиллари тўғрисидаги маълумот ва молиявий ҳисоботларга оид изоҳлар киради.

Банк раҳбариятининг молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ишончлилиги учун масъулияти

2. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ишончлилиги учун масъулият Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ Банк раҳбарияти зиммасига юклатилган. Ушбу масъулият фирибгарлик ва хатоларнинг оқибатидаги жиддий нуқсонлардан ҳоли бўлган молиявий ҳисобот тайёрланишини таъминлашга оид ички назорат тизимини режалаштиришни, жорий этишни ҳамда уни қўллаб-қувватлашни;

тегишли ҳисоб сиёсатини танлашни ва уни қўллашни; мавжуд ҳолатлар бўйича асосли бўлган ҳисоб баҳолаларни тақдим қилинишини ўз ичига қамраб олади.

Мустақил аудиторнинг масъулияти

3. Бизнинг масъулиятимиз ўтказган аудит текширувимиз асосида мазкур молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида ўз фикримизни билдиришдан иборат. Биз текширувни Халқаро Аудит Стандартларига мос ҳолда ўтказдик. Ушбу стандартлар биздан ахлоқий меъёрларга мосликни, аудиторлик текширувини молиявий ҳисоботда жиддий нуқсонлар йўқлигига етарлича ишончни таъминлайдиган даражада режалаштириш ҳамда ўтказишни тақозо этади.



МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛАРНИНГ ХУЛОСАСИ (давоми)

4. Аудит ўз ичига мазкур молиявий ҳисоботдаги сон маълумотларни ва унда ёритилган изоҳларнитасдиқловчи аудиторлик далилларини олиш учун зарур бўлган муайян жараёнларни қамраб олади. Танланган жараёнлар, шу жумладан молиявий ҳисоботда фирибгарлик ва хатоларнинг оқибатидаги жиддий нуқсонлар мавжудлиги таваккалчилигини баҳолаш аудиторнинг фикрига боғлиқ. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, аудитор мавжуд ҳолатлар учун мос бўлган аудиторлик жараёнларини ишлаб чиқиш мақсадида текширилаётган субъектнинг молиявий ҳисоботини тайёрланиши ва объектив тақдим қилинишига қаратилган ички назорат тизимини кўриб чиқади, аммо бу ички назорат тизимини самарадорлиги тўғрисида хулоса бериш мақсадини ўз ичига олмайди. Аудит шунингдек ҳисоб сиёсатининг қўлланилаётган тамойилларини ўринлилигини баҳолаш ва раҳбарият томонидан тайёрланган ҳисоб баҳоланишларнинг асослилигини, ҳамда умуман молиявий ҳисоботни тақдим қилинишини баҳолашни ўз ичига олади.
5. Биз томонимиздан олинган аудиторлик далиллари етарли даражада ва фикримизни билдириш учун асос бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Аудит хулосаси

6. Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисобот Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ барча муҳим жихатлар бўйича Банкнинг 2011 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолатини, шу санада якунланган йил учун молиявий натижаларини ва пул маблағларининг ҳаракатланишини ишончли тарзда акс эттиради.

Аудиторлик ташкилоти ваколотхонаси «ПрайсвотерхаусКуперс»

30 апрел 2012 йил

Тошкент, Ўзбекистон

